



"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
Хатирчи туман  
Ободонлаштирили башқармаси  
Бошлиғи "14" Ж. Рахмонов  
2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олишучун

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Хатирчи -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМОМА**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

Танлов предмети: **Хатирчи тумани Зарбдор МФЙ Ўртавул, Дўрмон, Юзовул қишлоқлари ичкни йўлларни таъмирлаш учун лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш**

1.1. Танлов охирги киймати (30 000 000) сум. Ушбу кийматдан ортиқ қиймат қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

1.2. Махсулот буйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган. Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажарниш муддати шартнома имзолантан кундан бошлаб 60 календар кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси** (бундан кейин-“Буюртмачн” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти Хатирчи тумани Параҳун МФЙ

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:  
танлов предмета кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасндан фукаролик-муомала хукукний лаёкат ва ваколатлар, танлов обьектига ухшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлигидан кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тутрисидаги маълумотлар; танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда); Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.: танлов хужжатларида куйдагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулиқ булиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар: • Техник таклиф. Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда; • Техник хужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси: -факат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади; - тақлифлар бериш муддати тугагунга кадар уз тақлифларини кайтариб олиш. еки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТАҚЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.
- 5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборишга хакли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.
- 7.3. Тақлифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суроў юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суроў келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда курсатилган шартлар асосида тузилади

"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
 Хатирчи туман Ободоглаштириш  
 бошқармаси бошлиги  
 Ж. Рахмонов  
 2022 йил

**Хатирчи тумани Зарбдор МФЙ Ўртавул, Дўрмон, Юзувул қишлоқлари ички  
 йўлларни жорий таъмирлаш учун лойиха смета ҳужжатларини  
 тайёрлаш**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар</b>	<b>Бажарувчи</b>
1	Объект номи	Хатирчи тумани Зарбдор МФЙ Ўртавул, Дўрмон, Юзувул қишлоқлари ички йўлларни жорий таъмирлаш учун лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш.
2	Буюртмачи	Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Объектнинг жойлашган манзили	Навоий вилояти Хатирчи тумани
4	Қатнашувчилар учун талаблар	<p>Белгиланган махсус техника ёки транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 2010-йилдан кам бўлмаслиги керак. Навоий вилоятида оғир табиий шароитда (ёмғир, кор, туман, ва х.к) узлуксиз ишлашга таёрг бўлиши керак. Корхона махсус техника ёки транспорт воситаси доимий иш билан таъминлашни кафолатини олмайди. Ишлаб чиқариш зарурятни туфайли корхона балансида техникалар етишмай қолганда холларда 1 сутка олдин огохлантирилган холда иш билан таъминланади. Махсус техника ёки транспорт воситасининг объектларга келиб кетиши харажатлари махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг хисобидан қопланади. Махсус техника ёки транспорт воситаси қатнашувчининг балансида бўлиши ва барча техник ҳужжатлари қонуний бўлиши керак.</p> <p>Махсус техника ёки транспорт воситасининг экспертиза хуносаси бўлиши шарт. Бошқа талаблар шартнома шартларида кўрсатилади. Махсус техника ёки транспорт воситалари руйхати, (Самосваллар 20-30 тн), (Трайлер 10-50 тн), (Каток 8-13 тн), (Экскватор ковуш хажми 0.65 М3), (Асфальто укладчик 1.5-6.5 метр гача), (Автогрейдер) (Водовоз) (Бетумовоз) билан буюртмага асосан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш.</p>
5	Механизмининг техник қарови	Махсус техника ёки транспорт воситаси доимий техник қаров ишлари, капитал таъмирлаш эгаси томонидан бажарилади, техник соз холатда ишга жалб қилинади.
6	Ёқилғи махсулотлари билан таъминлаш	Ёқилғи махсулотлари корхона томонидан амалга оширилган тақдирда бажарилган иш суммасидан қайтариб қилинади. Агар ёқилғи махсулотлари етарли бўлмаган тақдирда Махсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ўзида бўлиши керак.
7	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганилиги тўғрисида гувохнома, транспорт воситасининг техник паспорти.
8	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Шартнома асоса бажарилган ишлар буйича илова қилинган Форма-2 да кўрсатилган сумма бўйича тўлаб берилади.
9	Иш тури	Лойиха смета ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажариш.
10	Ишни бажариш муддати	2022 йил Ноябрдан 2022 йил 30 ноябргача.
11	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя килиши шарт.